

# Qishloq hayoti

2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-ЙИЛ 3-ФЕВРАЛ, СЕШАНБА, 14 (8407)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.



Самарқанд Вилояти



## ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМКОР МОТОЦИКЛЛАР

“ЭЛХОЛДИНГ” БУ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИНИ ҲАМ НАМОЁН ҚИЛМОҚДА

Самарқанддаги “Элхолдинг” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таълим муассасалари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқариш билан эътибор қозонган бўлса, кейинги йилларда корхонада тайёрланаётган уч ёлдиракли мотоциклларга ҳам талаб ортмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар,

бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда корхона имкониятларини янада кенгайтирди. Мотоцикл учун бутловчи қисмларнинг асқариёти корхонанинг ўзидан тайёрланмоқда.

Айни пайтда йилга етти минг дона мотоцикл ишлаб чиқарилаётир. – Юк кўтариш қуввати 650 килограмм бўлган мазкур транспорт воситаси юз километр масофага 3 литр ёнилги сарфлайди, – дейди корхона бош муҳандиси Шермамет Тожиёв. – Бу фермерлар учун жуда қулай. Шу боис, маҳсулотимизга талаб тобора ортиб бормоқда. Янги турдаги мотоцикллар МДХ мамла-

катларига ҳам экспорт қилинмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ҳозирда бирлашмада галла экиш сепалкалари ҳам тайёрланмоқда. 2015 йилдан бошлаб корхона “GM-Uzbekistan” компанияси билан ҳамкорликда мотоцикллар учун моторни шу ернинг ўзидан тайёрлашни режалаштирган. **Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.**

## КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Мана 23 йилдирки, халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечириб, янги-янги бунёд-корликларни амалга ошириш йўлидан бормоқда. Бу йўлда турли синов ва машаққатларга қарамай, ўз салоҳиятини ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторида кўришдек улғу ва эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга сафарбар этмоқда. Айтиш жоизки, бугунги кунда юрдошларимизнинг дунёқарашини, турмуш тарзини тубдан ўзгаргани ҳам, уларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати тобора юксалаётгани ҳам мустақиллигимиз тўғрисида барча соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

## ЭНГ ТЎҒРИ СТРАТЕГИК ЙЎЛ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ОЛГА СУРИЛГАН ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗИМИЗГА ХОС ВА МОС БЎЛГАН “ЎЗБЕК МОДЕЛИ” ТЎҒРИСИДА ШУНДАЙ ДЕЙИШ УЧУН БАРЧА АСОСИМИЗ БОР

Ҳозирга қадар эришган улкан муваффақият ва марраларимиз ҳақида сўз юритганимизда, Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва барча соҳада кенг қўламли ислохотларни амалга оширишга йўналтирилган тараққийнинг “Ўзбек модели” энг тўғри стратегик йўл сифатида юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тараққийнинг ўзимизга хос ва мос йўли бўлган “Ўзбек модели”нинг негизини мустақиллигимизнинг дастлабки кезларида давлатимиз раҳбари илгари сурган машҳур беш тамойил ташкил этади. Ушбу тамойиллар иқтисодийнинг сибсатдан устурилиги ва мафқурадан холилиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги ва унинг барчага баробарлиги, қучли ижтимоий сибсат олиб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга оширишни қамраб олган.

Шу нуқтага назардан қаралса, тараққийнинг “Ўзбек модели” ўтган йиллар давомида мулкчиликнинг ҳилма-хил шакллари билан таъминлаш, ҳусурийлаштириш, турмуш тарзини қайта қилиш, иқтисодиётда хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни рағбатлантирувчи таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз равишда техник ва технологик янгилаб бориш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш каби кўплаб йўналишларда ўзини ҳар томонлама оқлади.

Тараққийнинг ўзимизга хос ва мос йўли бўлган “Ўзбек модели”нинг негизини мустақиллигимизнинг дастлабки кезларида давлатимиз раҳбари илгари сурган машҳур беш тамойил ташкил этади. Ушбу тамойиллар иқтисодийнинг сибсатдан устурилиги ва мафқурадан холилиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қонун устуворлиги ва унинг барчага баробарлиги, қучли ижтимоий сибсат олиб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, бозор ислохотларини босқичма-босқич амалга оширишни қамраб олган.

Шу нуқтага назардан қаралса, тараққийнинг “Ўзбек модели” ўтган йиллар давомида мулкчиликнинг ҳилма-хил шакллари билан таъминлаш, ҳусурийлаштириш, турмуш тарзини қайта қилиш, иқтисодиётда хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни рағбатлантирувчи таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз равишда техник ва технологик янгилаб бориш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш каби кўплаб йўналишларда ўзини ҳар томонлама оқлади.

Ушбу тамойиллар асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар қисқа даврда юртимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муқтаҳам пойдеворини яратди. Ушбу модель мамлакатимизни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан ишончли ҳимоя қилиб, дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. Сўнгги 10 йил давомида мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ҳажми йилга 8 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ошиб бораётгани эса бунга яққол далиллар.

Машҳур беш тамойилга асосланган тараққий моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани мамлакатимизда янги демократик тизимда, шунингдек, халқимизнинг турмуш даражаси ошиб бораётганида, айниқса, ўзининг яққол тасдиғини топмоқда.

Ташкилдош жоизки, мамлакатимизда янги демократик тизим давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинигани, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашга қаратилган билан янада аҳамиятга эришди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси бу борада узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегия бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамиз иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли дарамадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани эса кичик бизнес ва хусурий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, бинобарин, ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланаётгани, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётгани таъкидланди. Партия мазкур муҳим сибсий тадбирда иштирок этар экан, тўплаган тажрибасини янада бойитиш, фоя, дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли, айниқса, ўз электроти ўртасида кенг тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади.

– Кенгашимиз Президент сайловига ҳар томонлама пухта тадорик қўрмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши аъзоси Н.Солиҳов. – Вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларидан сайлов штаблари иш бошлади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловда иштирок этиши учун имзо варақаларини тўплаш ниятидаги етди. Ишончли вакиллар танланди. (Давоми 2-саҳифада)

– Кенгашимиз Президент сайловига ҳар томонлама пухта тадорик қўрмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши аъзоси Н.Солиҳов. – Вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларидан сайлов штаблари иш бошлади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловда иштирок этиши учун имзо варақаларини тўплаш ниятидаги етди. Ишончли вакиллар танланди. (Давоми 2-саҳифада)

– Кенгашимиз Президент сайловига ҳар томонлама пухта тадорик қўрмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши аъзоси Н.Солиҳов. – Вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларидан сайлов штаблари иш бошлади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловда иштирок этиши учун имзо варақаларини тўплаш ниятидаги етди. Ишончли вакиллар танланди. (Давоми 2-саҳифада)

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Жойларда 2014 йил якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

**КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳалари жадал ривожланмоқда. Айтиш жоизки, ўтган йилнинг апрель ойида муҳтарам Юртбошимизнинг Сурғил қони неғизидан бунёд этилаётган Устурт газ-кимё мажмуаси билан таъиниши, мутахассислар билан учрашиши бу борадаги ишларнинг жадаллашишида ўзининг ижобий самарасини берди. Хусусан, жорий йилнинг июль-август ойларида дастлабки маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Шунингдек, тадбирда Марказий Осиёдаги энг йирик “Кўнгирот сода заводи” унитар корхонасига 109,5 миллион АҚШ долларилик инвестициянинг киритилиши жорий йилда қўшимча 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришдан иккинчи линияни ишга тушириш имконини бераётганлиги айтилди.

натijasида ишлаб чиқариш ҳажми 10-12, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 12,3 фоиз ўсишига эришилди. Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусурий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, ўтган йили 5327 та кичик бизнес ва хусурий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 364 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида уларнинг сонини 2013 йилга нисбатан 436 тага ортди.

Бандлик дастури асосида эса ўтган йили 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган йигирма тўрт мингдан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Тадбир давомида йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2014 йилда ялли ҳудудий маҳсулот 8,4, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 10,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобидан Қораўзақ туманидаги “Қорақалпоқ Верми Инвест” корхонасида 420 тонна вермикулит концентрати, Хўжайли туманидаги “Нурбек оқ олтин” хусурий корхонасида 1000 дона ақмулятор, яъни икки корхонада жами 810 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунинг

Ийғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**да 2014 йил бандлик дастури асосида 87 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Урта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 34 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Тошкент вилояти фаоллар йиғилиши 2014 йил якунлари ва 2015 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида шу ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, 2014 йили вилоятда ялли ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,5 фоизни ташкил этди. Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 6,8, капитал қурилиш 16,8, чакана савдо айланмаси 14 фоизга ўсди. (Давоми 2-саҳифада)

## 29 МАРТ – САЙЛОВ КУНИ ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг жамятимиз ҳаётида иштироки тобора мустақамлини бораётир. Мазкур партиянинг 2014 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайловларда олдинги сайловларга нисбатан кўп депутатлик ўрнини қўлга киритгани ҳам шундан далолат беради.

Партия аъзолари шу кунларда жорий йилнинг 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига пухта тайёрларлик қўрмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Бухоро вилоти кенгаши конференциясида шулар ҳақида сўз юритилди.

Партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кўнунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари иштирок этган тадбирда партия марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев, вилоят кенгаши девони раҳбари М.Тўхтаев ва бошқалар сўзга чиқди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ҳозирлик қўнунчилик талаблари асосида олиб борилаётгани таъкидланди. Партия мазкур муҳим сибсий тадбирда иштирок этар экан, тўплаган тажрибасини янада бойитиш, фоя, дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли, айниқса, ўз электроти ўртасида кенг тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади.

– Кенгашимиз Президент сайловига ҳар томонлама пухта тадорик қўрмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши аъзоси Н.Солиҳов. – Вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларидан сайлов штаблари иш бошлади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзоднинг сайловда иштирок этиши учун имзо варақаларини тўплаш ниятидаги етди. Ишончли вакиллар танланди. (Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА

2015 йилнинг 1 майдан 31 октябрга қадар Италиянинг Милан шаҳрида «Expo Milano 2015» жаҳон кўргазмаси ўтказилади. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур кўргазмада мамлакатимиз компанияларининг кенг иштирокини таъминлаш, Италияда Ўзбекистон миллий павильонини ташкил этиш бўйича тайёрларлик ишлари бошлаб юборилган. Жаҳон кўргазмаси илк бор 1851 йили Лондонда ташкил этилган. Қўламли ва самардорлиги боис, кейинчалик бошқа мамлакатлар ҳам уни ўтказишга қарор қилган. Дунёга машҳур Эйфел миносари Парижда ўтган “Expo Paris 1889” жаҳон кўргазмасига бағишланган барпо этилгани унинг нуфузидан

яна бир далолат. 1928 йилда Францияда жаҳон кўргазмаларини ташкил этувчи уюшма – Халқаро кўргазмалар бюроси тузилган. Шундан бун ўшбу тадбирга мезобонлик қилувчи мамлакат овоз бериш орқали танлаб олинди. Камид олти ой давом этадиган “Expo” жаҳон кўргазмаси ҳар беш йилда ўтказилади. “Дунёни озиклантириш, ҳаёт учун қувват” шiori остида ўтказиладиган бу галли жаҳон кўргазмасида 150 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компаниялар иштирок этиши, унга 30 миллиондан зиёд киши ташриф буюриши ку-

тилмоқда. Кўргазма иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат саноатининг барча замонавий йўналишларини қамраб олади. У ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биохилмаҳилликни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни сақлаш масалалари, ишлаб чиқаришнинг инновация технологияларига оид ўнлаб бўлимлар очилади. Мазкур нуфузли кўргазмага Ўзбекистоннинг тақлиф этилгани бежиз эмас. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. “Made in Uzbekistan” ёрлиги туширилган маҳсулотлар



жаҳон бозорига кенг ўрин эгалламоқда. Экспортни қўллаб-қувватлаш, бундай корхоналарга имтиёз ва преференциялар беришга катта эътибор қаратишмоқда. Бундай имкониятлар самарасида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар тақлиф этаётган маҳсулот ва хизматлар юқори сифати билан хорижий истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. (Давоми 2-саҳифада)





ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими иқтисодий муҳим таянчи сифатида жадал ривожланмоқда. Тармоқнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий технологиялар ва малакали мутахассислар билан таъминланган соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент темир йўл транспорти коллежи соҳага ёш кадрларни етиштириб бераётган таълим масканларидан бири. Утган йили коллежни тамомлаган 706 ўқувчининг 38 нафари олий ўқув юртлирига ўқишга кирди. Қолган битирувчиларнинг аксарияти "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарга ишга жойлашди.

Коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўрнатган учун компания тасарруфидоги Тошкент, Қўқон, Бухоро, Қўнғирот, Қарши, Термиз минтақавий темир йўл узеллари корхоналари ҳамда "Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи", "Ўзтемирйўлкортежнер", "Йўлрефтранс" очик акциядорлик жамиятлари, "Ўзтемирйўлмаштаъбир" унитар корхонаси, "Қуюв механика заводи"

шўъба корхоналари билан шартномалар имзоланган. Жорий йилда ҳам коллежни тамомлайдиган 700 дан зиёд йигит-қиз апрель-май ойлариде мазкур корхона ва таъмирлаш лотларда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўтади.

Тошкент темир йўл транспорти коллежига ҳар йили 700 нафардан ортик ўқувчи қабул қилинади. Бугунги кунда билим масканида ўн бири йўналиш бўйича 2284 нафар йигит-қиз тахсил олмоқда.

Коллежда 3 ўқув корпуси, лабораториялар, ишлаб чиқариш устаноналари, спорт зали, кутубхона, ошхона, тиббий бўлим ва 450 ўринли ётоқхона мавжуд. Ўттизга яқин мультимедия, тўртта компьютер ва лингафон хоналари – ёшлар ихтиёрида. Компьютер хоналаридаги электрон доска ва проекторлар дарс жараёнида



ўқувчилар учун қўлайлик яратди. Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази ёшларнинг билим ва касб-хунар сирларини пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

– Мамлакатимизда истиқлол йилларида кўпга соҳалар қатори темир йўл тизимида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Тошкент-Самарқанд йўналишида "Afrosiyob" теъюрар поезди қатновининг йўлга қўйилиши ҳам ана шу ишлотлар самарасидир. Табиийки, бундай замонавий транспорт воситалари соҳада етук мутахассисларга бўлган талабни янада оширади, – дейди коллеж директори Абдуфаттоҳ Гоибназаров. – Таянч масканимизда замон талабига тўла жавоб берадиган, чуқур билим ва амалиётга эга ёш кадр-

ларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу коллежда соҳани янада юксалтириш ва етук мутахассис кадр бўлиб етишишни мақсад қилаётган ўқувчилар кўп. Отабек Комилов шундай ёшлардан. У фанларни чуқур ўзлаштириши, намунали хулқи, мустақил фикрлаши билан тенгдошларига ўрнатилган келмоқда. Иқтидорли ўқувчи "Парламентаризм билимидон – 2014" онлайн танловиде фаол иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди.

– Коллежда дарсдан бўш вақтимизни мазмунли ва самарали ўтказиш учун кўпга фан ва спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда, – дейди Отабек. – Яратиб берилган кенг имкониятлардан умумли фойдаланиб, малакали

мутахассис бўлиб етишиш бизнинг бурчимиз.

Коллежда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш мақсадида "Камолот" ЁИХ ташаббуси билан ёшлар ўртасида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Ўстозларни қадрлаймиз", "Баркамол авлод – миллат таянчи", "Конституция – бахтимиз қомуси", "Байроғимиз – фахримиз, гуруримиз" каби қатор тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда. Таълим маскани ўқувчилари "Бир замин ва бир замон фарзандларимиз" шiori остида ташкил этиладиган анъанавий сайлда "Энг чиройли дастур", "Энг яхши миллий кўриниш" номинацияларида голибликни кўлга киритган.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎЗА мухбири.



## ЧИП СИНХРОН ТАРЖИМА ҚИЛАДИ

Яқин бир неча йил ичида инсон қулгоига ўрнатилиб, хорж тилидаги сўзларни синхрон равишда таржима қилишга мўлжалланган ўз-ўзини тақомиллаштириш имконига эга бўлган дастурда ишлайдиган чип яратилди.

Google компаниясида сунъий нейротармоқ борасида мутахассис бўлиб ишлайдиган Жеффри Хинтоннинг таъкидлашича, бу технология ҳозирда мукамал кўринишда эмас. Яъни технологияни етарли даражада таржима қилишга ўргатиш учун у ой керак бўлади. Бу мuddатда чипга сўзлар киритиш, уларни

бир-бири билан боғлашни дастурлаш учун бир неча одам ҳаракат қилиши лозим. Шундай бўлса-да, унинг Microsoft ҳамда Google каби компаниялар фойдаланмоқда. Аммо яқин орада ушбу дастурни кичик бир чипга сиғдириш ҳамда уни инсон қулгоига жойлаштириш имконияти пайдо бўлади.

## НИАГАРА ШАРШАРАСINI ЗАБТ ЭТДИ

Альпинист Уилл Гадд музлаб қолган оқим бўйлаб Ниагара шаршарасига кўтарилишга муваффақ бўлди. У ушбу шаршарадан оқимга қарши ўтган тарихдаги биринчи инсон бўлди.



Юқорига кўтарилиш учун альпинист муз қояларга чи-

қишга мослаштирилган махсус воситалардан фойдаланган. Йўналишининг узунлиги 44 метрни ташкил этди. У шаршара тепасига 3 марта чиқди ва ҳар бир кўтарилишга бир соатдан вақт сарфлади.

## ЎЙҚУ УЧУН ҲАМ ЎҚУВ КЕРАК

Иш ва оила учун ажратиладиган вақт тақсимининг ўйқу учун ҳам алоқаси бор экан.

Мутахассислар АҚШдаги IT-компаниялардан бирининг ходимлари учун уч ойлик тренинг-машғулотлар ўтказишди. Ушбу машғулотларда ходимлар ўз вақтларини тўри тақсимлашни ўрганишди.

Бир йилдан сўнг мутахассислар ходимларнинг жис-

моний ва руҳий ҳолатларини ўрганиб чиқишди. Натижа эса улар ҳаётдан кўпроқ завқ олаётгани ва ўйқули яхшиланганини кўрсатди. Бундан ташқари, вақтнинг тўри тақсимланиши уларга кунига дам олишга бир соат қўшимча вақт ажратишга имкон берган.

## ПИНГВИНГА СУНЪИЙ ТУМШУҚ ҚЎЙИЛДИ

Варшавадаги ҳайвонот боғида яшовчи пингвин дунёда биринчи бўлиб ясама тумшукка эга бўлди.

У яқинда бошқа пингвинлар билан олишув вақтида тумшугини жароҳатлаб олган эди. Натижада у мустақил равишда овқатлана олмай қолган.

Даволашни мақсад қилган Насутува шаҳри стоматологари унга сунъий тумшук тайёрлаб, ўрнатишди. Мутахассисларнинг айтишича, ёввойи табиатда бундай жароҳат олиш пингвинлар учун ўлим билан тугайди.



МАЪЛУМОТ УЧУН: Пингвинларнинг 20га яқин тури мавжуд. Бу қушлар уча олмайди, яхши суза олмайди, уларнинг териси остидеги қалин ёғ қатлами жуда паст ҳароратли иқлим шароитларда ҳам яшашига имкон беради.

## ЖЎЖА ҲАМ СОННИ ИНСОНДЕК ИДРОК ЭТАДИ

Инсон сонларни чапдан ўнгга қараб санайди. Олимларнинг аниқлашича, жўжалар ҳам санокни худди шу тарзда амалга оширади.



Жўжалар санашни билмас-да, улар объектлар гуруҳини сонига қараб ажрата олади.

Италиянинг Падуа университети мутахассислари буни қуйидаги усул ёрдамида аниқлади: улар жўжаларга турли сондаги нукталардан иборат карточкаларни кўрсатди, улардаги нукталардан бири ортида чувалчанг яширинган эди. Дастлаб жўжаларга бешта нукта ва чувалчанг акс этган карточкани, сўнг иккита

нуктадан иборат карточкани кўрсатишди. Тадқиқотчилар ҳулоса қилишича, рақамлар қатори фақат узоқ таълим олиш натижасида пайдо бўлмайди: у кўп миллион йил аввал содир бўлган эволюция жараёнида шаклландан тумма ҳусусиятидир.

Бундай жойлашиш тартиби жўжаларга улар туғилганидан маълум бўлади. Рақамлар қаторини идрок қилиш қушларда мия асимметрияси учими таъминланган келиб чиқиши таҳмин этилмоқда. Баъзи олимлар буни диққатни жамлашдаги кичик силжиш билан боғлайди: одамлар кўриш майдонининг чап томонидеги объектларни кўпроқ эътибор билан кузатади, шунинг учун ҳам санашни чап томондан бошлайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

### О Реклама ва эълонлар

**СЕНОВЯЗАЛЬНЫЙ ПОЛИПРОПИЛЕН**

**ШПАГАТ**

Высокое качество по выгодной цене

Товары сертифицированы

Тел: +998 93 382-89-14  
+998 93 550-75-79

www.shpagat.uz

**Шошилинг, чегирмалар!**

Тошкентдаги омонатдан турли хилдаги янги қишлоқ кўжалиги техникаларини тақлиф этишимиз:

1. Тракторлар (МТЗ Беларус) МТЗ 1220 + АКЦИЯ
2. Экскаватор-погрузчиклар ЭП-25 (МТЗ 82.1)
3. Пресс-подборщиклар (PVP-351 Claas лицензия асосида, счечик билан)
4. Сепалка СПЧ-6ЛТ
5. Картошка экиш сепалкаси ва картошка қавлаш агрегати
6. Бошқа турдаги қишлоқ кўжалиги техникалари

**АКЦИЯ + 3 корпусли омон**

Тўловлар пуш ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Лизинг хизматлари мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Халқор Бизнес Марказ 3-қават.  
Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 550-40-22, (+99893) 550-40-23.  
Омонатимиз манзили: Тошкент шаҳри Бектемир тумани ТҲАЙ (Янгиобод бозори яқинида).

Мақбуллар сертификатланади.  
Жизматлар лицензияланган.

**УПАКОВОЧНЫЕ ШПАГАТЫ**

- Удобные формы бабин  
- Выгодные цены  
- Разные виды:

а) Ленточный  
б) Фибро ленточный  
в) Скрученный

Тел: +998 93 382-89-14  
+998 93 550-75-79

Товары сертифицированы

www.shpagat.uz

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЙ томонидан (05.02.2013 й., реестр № 004303-07) рўйхатга олинган Янгиобод т. Тузел 2-мавзеси 16-уй 52-хонадон манзилида жойлашган "ZEBINISO FAYZ SAVDO" Ж (СТИР 302487089) тугатилди (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 02.02.2015 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой мuddатда 916-80-00 тел. орқали қабул қилинади.

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**«АСАКА» БАНК**

2015 ЙИЛНИНГ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

**«ҚАДРИЯТ»** *Ушбу омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.*

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қўлай шартларда 90 дан ортик омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳри филиали	(371) 120-83-13	Наманган вилояти филиали	(369) 226-91-45
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-95	Навоий вилояти филиали	(436) 770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36	Зарафшон филиали	(436) 573-18-75
Юнусобод филиали	(371) 221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(365) 223-70-05
Сирғали филиали	(371) 257-44-10	Бухоро шаҳри филиали	(365) 770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(371) 120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(366) 233-65-47
Андижон вилояти филиали	(374) 298-02-10	Афросиёб филиали	(366) 221-75-40
Асака филиали	(374) 233-15-68	Қашқадарё вилояти филиали	(375) 221-07-41
Фарҳод филиали	(374) 226-97-53	Сурхондарё вилояти филиали	(376) 770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(373) 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	(361) 770-60-56
Марғилон филиали	(373) 237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(362) 226-96-03
Олтиариқ филиали	(373) 432-10-11	Сирдарё вилояти филиали	(367) 225-44-03
Қўқон филиали	(373) 552-61-06	Жиззах вилояти филиали	(372) 226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**«АСАКА» БАНК – САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

<b>Бош муҳаррир:</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.	<b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОҢОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижабоб ТАМИКЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7021 72010702071	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93. <b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.	<b>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:</b> 236-26-50, 233-28-04.	<b>Набатчи муҳаррир:</b> Ш.Йўлдошев Мусаҳҳис: Х.АБДУҒАНИЕВ Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ
--------------------------------------	--	--	--	---	--	---